# ҚЎШҚАНОТЛАР ҚАЙРИЛМАЙДИ

## Ҳалима Носирова ва Комил Яшин ҳузурида

***Бу нурли даргоҳ ҳамиша гавжум бўлган. Гап санъат оламининг юлдузи — «Ўзбекистон булбули» — машҳур Ҳалима Носирова билан адабиёт ва санъатимизнинг оқсоқолларидан бири Комил Яшин ҳақида бормоқда. Уларнинг бири санъат оламининг маликаси, иккинчиси адабиёт дарғаси. Ҳозирда уларнинг ёши бир жойга бориб, бир-бирларига суяниб қолишган. Қизлари Нодира ва ўғиллари Баҳодир атрофларида парки-парвона.***



Дала боғимиздан олиб келган қирмизи олма, меваларни стол устига қўйиб, Яшин ака ётган каравотга энгашаман. Ҳа, хасталик алломани анча эзиб қўйган. Аммо фикрлар ҳамон теран.

— Куни кеча дўхтирлар келиб анализлар натижасини кўрсатишди. Ҳаммаси жойида экан, — дейди у хотиржамлик билан.— кўринишингиз яхши, ҳали кўп йил бирга бўламиз.

Беихтиёр гапни бошқа ёққа буриб, бундан бир неча йиллар муқаддам «Ўзбекистон овози» газетхонлари билан Фарғона водийсида бўлган учрашув дамларини ёдига соламан. Ўшанда Ҳалима опа ҳам биз билан бирга эди. Ўқувчилар Комил акани ўраб олиб, саволларга кўмиб ташлашди. Нурхоннинг аянчли қисмати, Гулсаранинг тақдири, Ҳамза асаридаги Ғафур, Жамила сиймолари ҳамма-ҳаммаси ўқувчилар эътиборидан четда қолмади. Ҳалима опа ўзининг энг яхши дилбар қўшиқларини ижро этди. Кейин Қўқонга, Ҳалима опа туғилиб ўсган, Комил ака куёв бўлган муқаддас хонадонда меҳмон бўлдик. Меҳмонлар ҳурмати учун қўй сўйилди. Мароқли суҳбатлар ярим кечага қадар давом этди.

Комил аканинг ўзбек адабиётидаги хизматлари беназирдир. Қатор-қатор саҳна асарлари, бадиий фильмлар, Ҳамза асаларини тўла рўёбга чиқариш йўлидаги синчковлик билан олиб борилган изланишлар, «Ҳамза» романи адибнинг тинимсиз меҳнати исботидир.

Ёдимдан чиқмайди — у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раис бўлган чоғларида «Турналар баланд учади» деган қиссам босилиб чиққанди. Китобнинг дастлабки нусхасини олиб, Яшин аканинг уйига бордим. Дастхатни ўқиб чиқиб:

—Яна бошқа нусхаси борми? — деб сўраб қолди.

— Биттагина олиб келган эдим...

— Бўлмаса дастхатнинг бошланишига Ҳалима опангизнинг номини ҳам киритиб қўйинг, деб маслаҳат берди. Буни сезиб турган опа ўпка-гина қилди:

— Менда шахсан ёзувчилар, санъаткорлар тақдим этган эсдалик китоблар кўп. Нима учун сиз ўзимга алоҳида дастхат билан олиб келмадингиз?

Комил ака менга маъноли қараб қўйди. Нигоҳида «кўрдингизми, сал бўлмаса балога қолур эдингиз», деган маъно бор эди.

Ҳа, Ҳалима опанинг ўзи бир дунё. Алишер Навоий номидаги давлат опера ва балет тетрининг тарихи унинг номи билан боғлиқ. Театр саҳнасида қўйилган асарларнинг бош ролларида биринчи бор опа ўйнаган. Комил Яшиннинг «Гулсара» операси санъат оламида кўп шов-шувлар уйғотган.

...Бизнинг ташрифимиздан Ҳалима опанинг боши кўкка етди.

— Шошмай туринглар мен тезда чиқаман, — деб хонасига кириб кетди.

Қарабсизки бир зумда ювиниб-тараниб, яхши кўрган кўйлагини кийиб чиқди.

— Биз санъаткорлар шунга ўрганиб қолганмиз, пардоз-андозсиз одамларга кўрина олмаймиз. Ахир, ҳар ҳолда аёлмизку...

Кейин бирдан кайфияти тушиб кетди: «Саҳнадек тахтимдан жудо бўлдим, ноёб овозимдан бенасибман. Боз устига яқин дардкашим, ҳамроҳим — Яшин акангиз хаста бўлиб қолди. Кўрингки, қаноти қайрилган қушдек, домга илинган оҳудек ҳис этаман ўзимни».

Қулоғимга Ҳалима опанинг «Сайёра» қўшиғи эшитилгандай бўлади:

*«Сайдинг қўябер сайёд*
*сайёра экан мендек,*
*Ол домини бўйнидин бечора*
*экан мендек...».*

Ҳали ҳам санъат ишқи билан, эл-юртга муҳаббат билан яшайди бу аёл.

Мен эса унга ҳайрат билан боқаман. Илойим Яшин ака тузалиб қолсин, ҳар икковининг ҳам умри узоқ бўлсин!

**Мақсуд ҚОРИЕВ.**

• *Хотира*

# ГЎЗАЛ ВА ПУРМАЪНО УМР ЭГАСИ

***Ҳаётдан кўз юмиб кетганларни хотирлаш савоб. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог, атоқли олим, профессор Наримон Ҳожибоев эслашга арзигулик инсон эди. Афсуски бевақт ўлим 53 баҳорни қаршилаб турган бир пайтда уни орамиздан олиб кетди.***

У Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент Давлат техника университети)ни тугатгандан сўнг ЎзФА геология институтида ишлай бошлади. Ўз касбига меҳр-муҳаббат, фидойилик, юксак масъулият билан ёндошди. Изланишлари зое кетмади. Республика геология тармоғида муҳим йўналишлардан бўлган гидрогеология ва инженерлик геологияси соҳалари бўйича олиб борган самарали илмий ва амалий фаолиятининг маҳсули сифатида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олимнинг илмий ишларида суғориш, ерларни ўзлаштириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш муаммоларининг ижобий ечимлари асосланган ҳолда республика ҳудудларини гидрогеологик нуқтаи назардан районлаштириш харитасини тузиш тамойиллари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Мирзачўл гидрогеология станциясига, гидрогеология трестига ва тармоқ гидрогеология ва инженерлик геологияси илмий-тадқиқот институтига (Гидроингео) раҳбарлик қилиш билан бирга халқ хўжалиги учун муҳим бўлган долзарб муаммоларни ўрганишга қаратилган илмий лабораторияларга асос солиб, тадқиқотлар ва йўналишлар кўламини кенгайтирди.

Бевосита унинг раҳбарлигида чучук ер ости сувларини қидириб топиш, уларнинг ресурслари ва шаклланишини асослаш, режими ва балансини ўрганиш, заҳираларини ҳисоблаш, барча турдаги ер ости конларини (шифобахш, чучук, минерал, саноат ва иссиқ ер ости сувлари) ифлосланишидан ҳимоялаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда халқ хўжалиги ва саноат учун муҳим гидроминерал хомашё бўлмиш ер ости сувлари таркибидаги нодир металларни ажратиб олиш ва қайта ишлаш технологияларини яратиш бўйича чуқур, самарали тадқиқотлар олиб борилди. Истиқболли технологиялар яратилди. Гарчи олимга бугунги дориломон кунларга етиб келиш ва

Замини — зар, суви — гавҳар Ватаним маним

Истиқлолинг муборак Ўзбекистоним маним

дея қутлаш насиб этмаган бўлса-да, у ҳамиша биз билан. Зеро у «Ўзбекгидрогеология» давлат корхонасининг асосчиларидан бўлиб, корхона ташкил қилинган кундан бошлаб то умрининг охиригача бош директор лавозимида ишлади. Наримон ака нафақат юртимизда, балки собиқ иттифоқ ва чет эл давлатларида ҳам ҳурмат-эътибор қозонган, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Польша ва Австрияда ўтказилган халқаро анжуманларда Ўзбекистон гидрогеология хизматининг етук намояндаларидан бири сифатида қатнашган. Шу кунларда таваллудининг 70 йиллиги арафасида гидрогеология жараёнларига бағишланган мавзуда «Ўзбекгидрогеология» корхонасида халқаро анжуманнинг ўтказилиши ва унга МДҲ давлатлари ҳамда Олмония, Англия, Туркиядан етук заминшунос олимларнинг таклиф этилиши бежиз эмас.

Олимнинг камтарона меҳнатлари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвони, қатор орденлар ва медаллар билан тақдирланган. Энг муҳими, қалбимизда илиқ хотира қолдирган.

**Р. НИЁЗОВ,**
**геология ва минералогия фанлари номзоди.**
**Ғ. ҲАМИДОВ,**
**техника фанлари номзоди.**

# ҚАДИМИЙ КАРВОНСАРОЙ

***Кўҳна Зоминнинг Пишағар ва Ғўлба қишлоқлари оралиғида сақланиш жиҳатдан энг ноёб, Марказий Осиёдаги энг йирик карвонсарой топилди.***

Самарқанд археология институти илмий ходими А. Грицин раҳбарлигида маҳаллий қадимшунослар карвонсарой пештоқини қазиб очишга мушарраф бўлдилар. Бу ердан қорахонийлар даврига мансуб, яъни XI асрга оид учта танга топилди.

Буюк соҳибқирон Амир Темур ҳам ҳар гал зафар туғини кўтариб Жиззах тупроғидан ўтарқан, бу гўшада бекорга ҳордиқ чиқармас экан.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Олий суд нашри*

# «ҚОНУН НОМИ БИЛАН»

***Ўзбекистон Республикаси Олий судининг «Қонун номи билан» ахборотномасининг шу йил 1—2 сонлари нашрдан чиқди.***

Унинг саҳифаларида республика Олий суди пленуми тўғрисидаги ахбороти, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишларини кўриш бўйича суд фаолиятини такомиллаштириш, янги қонунларни тўғри қўллашни таъминлаш мақсадида Республика Олий суди навбатдаги пленумида қабул қилган қарорлари билан танишасиз.




Ахборотноманинг «Тадқиқот ва таклифлар» рукни остида республика илмий-тадқиқот криминалистика марказининг лаборатория мудири, кимё фанлари номзоди Т. Исломовнинг «Зиммамиздаги улкан масъулият» мақоласи ўрин олган. Унда муаллиф наркобизнеснинг олдини олиш, гиёҳвандлик ўсимликларини экиш, сотиш ва истеъмол қилиш каби қонунга хилоф равишда жиноий ҳаракатлар содир этувчи шахсларга қарши курашда криминалист-экспертларнинг олдидаги муҳим вазифалар ҳақида тўхталиб, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашади.

«Қориев кўп вақт мобайнида С. исмли аёл билан никоҳсиз яшаб келган. 1993 йилда С. унга ҳомиладор бўлиб қолганлигини айтади. Қориев аёлга аборт қилдириб ташлашни маслаҳат беради. Аммо С. унга рад жавобини беради. Шундан сўнг Қориев С.ни уради ва соғлигининг бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳати етказади». Суд ҳайъати ушбу жиноятни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси бўйича қандай квалификация қилади? Сиз мазкур саволга ахборотноманинг 38-бетидаги «Ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан жиноят қилиш» мақоласини ўқиб жавоб топасиз. Мабодо, судда кўрилаётган фуқароларнинг низоли ишлари бўйича маълумотлар олишни хоҳласангиз, Республика Олий суди раисининг ўринбосари А. Ишметовнинг «Фуқаролик суд ишларини юргизишда холислик ва қонунийликни таъминлашда махсус билимлар роли» мақоласини мутолаа қилишингиз мумкин.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг «Қонун номи билан» ахборотномаси ҳуқуқий билимларингизни оширишда сизга ҳамиша ҳамроҳ бўлиб қолади, деб умид қиламиз.

**Файзулло БОБО ДЎСТ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СОЛИҚ НАЗОРАТИ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ

***Текширишлар натижасида Бухоро вилоятдаги 200 та корхона ва ташкилотда солиқларнинг қонун-қоидалари қўпол равишда бузилаётганлиги маълум бўлди.***

Хусусан, Ромитан туманидаги Газли қурилиш монтаж бошқармасида (раҳбари К. Ғофуров) бу борада «рекорд» натижасига эришилаётганлиги аниқланди. Ким қилмагай, ким топмагай, деганларидай, жарима билан жами 376,5 минг сўм маблағ давлат бюджети фойдасига ҳисобланди.

Бухоро туманидаги «Янги турмуш» жамоаси хўжалигида (бошқарув раиси Б. Йўлдошев) ҳам солиқ қонунчилигига риоя этилмаётган экан. Улардан жарима билан бирга 198,8 минг сўм давлат бюджетига ундирилди. Шуни унутмайликки, ҳамма замонларда ҳам солиқ тўлаб келинган. Демак, унга хиёнат қилиш жиноят билан баробардир.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «БИ-БИ-СИ» ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ ФИЛЬМ ЯРАТАДИ

***Ўзбекистон Республикаси гиёҳвандликка қарши кураш бўйича олиб бораётган ишлар хусусида телефильм яратаётган жаҳоннинг машҳур «БИ-БИ-СИ» телекомпаниясининг бир гуруҳ ижодий ходимлари Андижонда бўлишди.***

Гуруҳ таркибида «Ассигмент» дастурининг профессори Жизель Портинье, мухбир Ханиф Шерзод, телетасвирчилари — Ходсон Эдвард, Жунональ Питер Эвелинлар ҳам бор эди. Улар Ўзбекистоннинг Андижон, Қирғизистоннинг Ўш вилоят чегарасидаги «Дўстлик» божхона постининг гиёҳвандликка қарши олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишдилар.

Шундан сўнг, Буюк британиялик журналистлар гуруҳи вилоят ҳокимлигининг ички ишлар бошқармасига ташриф буюрди. Улар вилоят ички ишлар органлари ходимларининг гиёҳвандликка ва гиёҳванд моддалар бизнесига қарши кураши жараёни акс эттирилган видеофильмларни томоша қилишди.

**Ўктам ДЎСТЁР.**


**"ЎЗБЕКМАЗСЕРВИС" ҚК**

**МАЗ автомобилларига эҳтиёт қисмлар сотиб олишни таклиф қилади.**

**ШУ ЖУМЛАДАН:**
*** плунжер жуфтлари;
*** ТНВД насослари;
*** олд ойналар /суперМАЗлар учун/;
*** МАЗ-8926 прицеплари.

**СОТИЛАДИ:**
*** ЯМЗ-238 ва ЯМЗ-236 двигателлари;
*** 320 х 508, 260 х 508, 205 х 70 R 14, 175 х 70 R 14 шиналари.

Шунингдек, ГАЗ-24 ва ГАЗ-53 учун тирсакли валлар, комбайнлар учун клин қайишлар, турбонаддувлар, ПА-1.01, ПА-4, ПА-6Т ўт ўчиргичлари, почта қутилари сотилади.

**Манзил:**
Тошкент ш., 8-Март кўчаси, 57-уй.
Тел.: 91-68-94. Факс: 91-64-06.


Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлар Академияси раёсати Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрификациялаш илмий тадқиқот институти директори, академик Абдумуталиб Хожиевга отаси
**Хожи ТОЖИЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд судьяси Кўчқор Тоғаевга волидаи муҳтарамалари
**НАВВАТХОН аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги ходимлари ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Имомович Норовга волидаи муҳтарамаси
**МУБИЯ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Сув қурилиш махсус монтаж тресті ишлаб-чиқариш технологик бутлаш бошқармасининг бошлиғи Б. Раҳимовга онаси
**Саодат НАЗИРОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради

«Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорацияси жамоаси «Жиззахқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раиси Қурдош Шодиевга онаси
**Хурсаной ШОДИЕВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради


*АЖОЙИБ ОЛАМ* **SAMSUNG** CD+OK



**НОЁБ ВА РАНГ-БАРАНГ!**

**CD+OK тизими - дидингизга мос қўшиқлар.**
**CD+OK тизими - компакт-дисклардан фойдаланишга асосланган дунёда биринчи караоке тизими. Бу тизим SAMSUNG Electronics фирмаси томонидан ишлаб чиқилган.**
**CD+OK тизимида CD+ROM компакт-дискларнинг энг янги технологиялари қўлланилади. Битта дискда энг оммавий бўлган 800 та русча ва 277 та инглизча қўшиқ бўлиб, уларга турли-туман рангларда товланувчи тасвирлар илова қилинган.**



**Фирма дўконлари:**

| | | |
|---|---|---|
| Кало Холдинг Корпорэйшн | Тошкент, "Бешёғоч" бозори, 2-дўкон | 7(3712) 45-52-69 |
| Кало Холдинг Корпорэйшн | Тошкент, "Олой" бозори | 7(3712) 45-80-41 |
| Кало Холдинг Корпорэйшн | Тошкент, "Чорсу" савдо маркази | 7(3712) 45-52-69 |
| Кало Холдинг Корпорэйшн | Тошкент, Хўжаев кўчаси | 7(3712) 45-52-69 |
| Кафолат-Файз | Тошкент, "Чорсу" бозори, Эскижўва кўч. | 7(3712) 42-29-89 |
| ТОУ Ко., ЛТД | Тошкент, Амир Темур кўчаси, 110 | 7(3712) 34-02-58 |
| ТОУ Ко., ЛТД | Тошкент, "Чилонзор" савдо маркази | 7(3712) 35-09-86 |
| СТАЛИК | Фарғона, Аль-Фарғона кўч., 20 | 7(3712) 24-49-18 |

SAMSUNG Electronics компанияси Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўйича дилерларни таклиф этади. Алматидаги омборидан бевосита етказиб берилади.
Самсунг Электроник Ко.
Алмати офиси, Алмати, Абилайхон, 81.

SAMSUNG ELECTRONICS





ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

· МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — У. Ҳайдаволов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001  Буюртма Г. — 0444  31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.  Офсет усулида босилган.  Қоғоз бичими А—2  **Босишга топшириш вақти—21.00**  **Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**  **Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**  **Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**  **Босишга топширилди —21.05**  1 2 3 4 5 6